O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI QO‘RG‘ONTEPA TUMANI HOKIMINING QARORI

Qo‘rg‘ontepa tuman, Andijon ko‘chasi 1-uy, tel: 74-723-14-61 Korgontepa@andijan.uz

2021 - yil 30 - dekabr 62-1-23-Q/21 Qo‘rg‘ontepa tumani hokimligi

Қўрғонтепа туманидаги умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарори ижросини таъминлаш, Қўрғонтепа тумани ҳудудидан кесиб ўтувчи автомобиль йўлларида транспорт воситаларииинг тирбандликлар юзага келишини олдини олиш, пиёдалар ва транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Қўрғонтепа туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2021 йил 15 декабр кунги 193/1-сонли хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-, 25- моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қўрғонтепа туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2021 йил 15 декабрь кунги 193/1-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор қабул қилинишини муносабати билан:

- Қўрғонтепа шаҳар Юксалиш МФЙ ҳудудидан ўтувчи 4Р-135 “Мустақиллик” кўчасидада жойлашган бозор олдига (ПК 49+70 км) 3.27

“Тўхташ тақиқланган” йўл белгиси ўрнатиш учун рухсат берилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш Унитар корхонаси (М.Казаков)га мазкур йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ички ишлар бўлимига ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситаларини мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилинишига ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

6. Қўрғонтепа туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбарига ушбу қарорни “Қўрғонтепа ҳақиқати” газетаси ва туман ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштирилиш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Х.Хакимовга зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Э.Набижанов**